

Сарвиноз АЗИЗХОНОВА

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси  
Алишер Навоий номидаги Давлат  
адабиёт музейи таянч докторанти  
[2102sarvinoz@gmail.com](mailto:2102sarvinoz@gmail.com)

## АЗИМХОЖА ЭШОН ҲИҚМАТЛАРИНИНГ МАЪРИФИЙ АҲАМИЯТИ

### ВОСПИТАТЕЛЬНОЕ ЗНАЧЕНИЕ МУДРОСТИ АЗИМХОДЖИ ЭШАНА

### EDUCATIONAL VALUE OF AZIMHOJI ESHAN'S WISDOM

**Аннотация:** Мақолада Хожа Аҳмад Яссавийнинг издошларидан бўлган, ҳикмат жанрида шеърлар ёзган, ҳикматнавислик анъанасини давом эттирган, XVIII аср охири – XIX аср биринчи ярмида яшаб, ижод қилган Азимхўжа Эшоннинг ҳаёти ва унинг ҳикматнависликга қўшган ҳиссаси, ҳикматларининг таҳлили ҳамда ҳикматларида Аҳмад Яссавий ҳикматлари каби дидактик масалаларга, яъни дин-имон, Ҳазрати Муҳаммад (с.а.в.)нинг шафоатига эришиш, дунё-охират, жаннат-жаҳаннам, ишқ гоёларининг панд-насиҳат тарзида ифода этилгани тўғрисида маълумотлар берилади.

**Калит сўзлар:** ҳикмат, Яссавийлик, девон, анъана, тасаввуф, шариат, маърифат, тариқат, имон, тақво, диёнат.

**Аннотация:** В статье описывается жизнь и творчество одного из последователей Ходжи Ахмада Яссави – Азимходжи Эшана, жившего в конце XVIII – первой половине XIX веков и писавшего стихи в жанре мудрость, продолжавшего и развивавшего его традиции, о его вкладе в исследование этого жанра литературы, дидактических вопросов, о том, что есть религия и вера, заступничество Пророка Мухаммада (с.а.в.), земная жизнь и потусторонний мир, рай и ад, идеи любви, написанные в форме мудрых наставлений.

**Ключевые слова:** мудрость, Яссави, девон, традиция, мистицизм, шариат, просвещение, секта, вера, благочестие, религия.

**Annotation:** In this article, the information about the life of Azimkhodja Eshan, lived and created in the last of the XVIIIth century and the first half of the XIXth century, one of the followers of Khodja Akhmad Yassawi, who wrote poems in the genre of improving literature and continued this tradition, is given. We analyzed the edifying words and the didactic problems – religion and faith, the intercession of the Prophet Muhammad (s.a.v.), the world and end of the world, paradise, and hell, the ideas of love which expressed in the form of admonition as the edifying words of Akhmad Yassawi.

**Keywords:** wisdom, Yassavi, divan, tradition, mysticism, the rules of Islamic law, enlightenment, sect, faith, piety, religion.

### КИРИШ

Ўзбек мумтоз адабиётида Хожа Аҳмад Яссавий бошлаган ҳикмат услуби, Яссавий дарвешлари томонидан бир анъана бўйича асрларча давом эттирилди. XVIII асрнинг иккинчи ярмидан XIX асрнинг биринчи ярмигача бўлган даврда Низомий Хўқандий, Жалолӣ, Гулшаний, Азимхожа Эшон сингари шоирлар ҳикматнавислик ривожига ўз ҳиссаларини қўшганлар.

Яссавий услубида ҳикмат ёзганлардан бири Азимхожа Эшондир. Азимхожа Эшон (тахаллуси Азимий) XVIII аср охири – XIX аср биринчи ярмида яшаб, ижод қилган [7:320].

Матншунос Отабек Жўрабоев “Азимхожа эшон ва унинг девони қўлёзма нусхалари борасида” номли мақоласида Азимийнинг вафот тарихи аниқ – ҳижрий 1263 (милодий 1847) йил. Бирок, туғилиш санасини тахминан 1770 йиллар, дейиш мумкин. Чунки, Азимхожа вафот этганда ёши 75 атрофида экани сўзланади” [1:18] дея таъриф берган. Яна ушбу мақолада Азимийнинг 7 та қўлёзма нусхаларининг тўлиқ тавсифи ҳақида маълумот беради.

Манбаларда кўрсатилишича, Азимхожа Эшон Қўқон шаҳрининг Сармозор маҳалласида нақшбандия-хожагон тариқатига мансуб, зиёли-руҳоний оиласида дунёга келган [1:18].

### АСОСИЙ ҚИСМ

Азимий Яссавийдан узоқ вақт сўнгра яшаган ва ҳикмат анъанасини давом эттирган дарвеш бўлганини таъкидлаш мумкин. Азимий

4000 мисрадан ортиқ адабий мерос қолдирган. Ёзган шеърларини тўплаб, девон тузган. Унда ўзбек ва форс тилларидаги ғазал, мустаҳзод, мухаммас, маснавий ва ҳикматлари ўрин олган бўлиб, муаллиф девонининг бир нусхасини “Мурод ул-ошиқин” (Ошиқларнинг мурод китоби) деб номлаган [2:125<sup>6</sup>].

Шоирнинг девонида 28 та ҳикмати мавжуд бўлиб, ҳикматларида Аҳмад Яссавий ҳикматлари каби дидактик масалаларга, яъни дин ва имон, тақво ва диёнат, муршид ва мурид муносабатлари, Ҳазрати Муҳаммад (с.а.в.) нинг шафоатига эришиш, дунё ва охират, жаннат ва жаҳаннам, ишқ ғояларининг панд-насиҳат тарзида ифода этилганидир [10:138]. Масалан, шоир ҳикматларида халқни диёнатли ва инсофли бўлишга, ҳар бир масалада адолатли қарор қилишга даъват этгандир. Азимий ҳикматларида ишқ ва ошиқ мавзуси ўзига хос тарзда тасвир этилади. У Аллоҳга бўлган ишқни ҳақиқий санайди.

Шоир ҳикматларининг тили ҳам Яссавийники сингари содда ва тушунарлидир. Ҳикматларининг асосий мавзуси ҳақиқий ишқ талқини, Аллоҳ висолига эришиш талабгори бўлган солиқнинг тавҳид йўлидаги руҳий кечинмаларини ёритишдан иборатдир.

Адабиётшунос Сайфиддин Рафъиддинов Азимий ҳикматларининг 1894 йилда Тошкентнинг “Каменский” матбаасида Аҳмад Яссавий девони билан қўшиб чоп этилган нашрини асос қилиб, ушбу китобдаги Азимийнинг 26 ҳикматини 1993 йилда нашрга тайёрлаб, сўзбоши ҳамда эски ёзувидаги матни билан чоп эттирган [3:88].

Бундан ташқари Туркиялик олим Кемал Эраслан ҳам Azim hase'nin hikmetleri [4:193-230] номли мақоласида Азимийнинг 28 та ҳикматини нашр эттирган. Уларни 27 таси 1312 йилда Тошкентда босилган “Девони Ҳикмат”дан, 1 таси эса 1290 йилдаги “Девони Ҳикмат” қўлёзмасидан топилгани тўғрисида маълумот берган.

Азимий ҳикматларининг тасаввуфга тегишли жиҳатлари устида мулоҳаза юритилганда, ошиқнинг шарият, тариқат, маърифат босқичларидан ўтиб ҳақиқат мартабасига етишини, уларнинг таркибий

қисмини ташкил этувчи ибодат, толиб, муршид, ботин, Ҳақ зикри, хилват, нафс, қаноат, тоқат, муҳаббат, ҳуб, фано филлоҳ, “нафйи вужуд”, “кашфи вуруд”, “мавҳи шухуд”, “хайрат”, “фано”, “бақо” каби тасаввуфий атамаларни ўз ўрнида ишлатиш орқали Ҳақ васлига эришишни ўз олдига мақсад қилиб олган ҳар бир солиқнинг забт этмоғи зарур бўлган манзилларнинг моҳиятини ёрқин очиб берган [9:13]. Шоир бу босқичларда ислом дини ҳукмларини ўзида мужассам этган шариятни яхши билиш зарурлигини уқтиради.

Азимхожа бир сўфий сифатида ҳақиқат ва маънавий камолотга тўғри йўналиш мақсадида солиқларга маслаҳат беради. Жумладан, толибларнинг одобли ва ахлоқли, маърифатли бўлиши кераклигини таъкидлайди. Унга кўра ўз нафсини тарбия қилиб қаноатни одат қилиш, халқнинг маломат ва хиёнатига бағрикенглик ила жавоб берган солиқ “ҳақиқий толиблар” қаторидан жой олади дея таъкидлайди ўз ҳикматларида.

Шоир ҳикматларида илоҳий ишқ улуғланади. Аллоҳни таниш, унинг ишқини идрок қилиш, Ҳақ васлига эришиш, ундан бошқа нарсга кўнгил қўймаслик ҳақида фикр юритилади. Азимий инсон ҳаётидаги катта кураш - нафс эҳтиёжларини таслим этиш йўлидаги кураш деб ҳисоблайди. Нафс инсон учун катта ёв, душман дейди. Шу ёвнинг бошини янчган, уни енгган, нафс эҳтиёжларига таслим бўлмаган кишининг ғурури, инсоний қадр-қимматини ҳеч ким поймол қила олмайди, деб билган.

“Мурод ул-ошиқин” девонида бармоқ шеър тизимининг ўн иккилик (4+4+4) (яъни ҳар бир мисрасида ўн икки бўғин такрорланувчи) туркуми энг фаол қўлланган бўлиб, биз таҳлил қилаётган ҳикмат ана шу вазнда акс этган:

|                                              |   |   |
|----------------------------------------------|---|---|
| 4                                            | 4 | 4 |
| Ё Қодиро, / даргоҳинга / ёзган қулман 12     |   |   |
| Раҳм айлагил / сендин ўзга / паноҳим йўқ 12  |   |   |
| Зохир, ботин / обод этмай / бузган қулман 12 |   |   |
| Раҳм айлагил / сендин ўзга / паноҳим йўқ 12  |   |   |

Мазкур ҳикмат тўрт мисрали, 9 банддан иборатдир. Ҳар бир бандлар (тўртликлар)

нинг охирги мисралари ўзаро қофияланади. Бу эса қадимги халқ шеърляти шакллариға хос хусусиятлардан биридир. Ўн иккилик туркумдаги ҳикматлар, асосан, тўртликлардан иборат.

Ушбу 9 та тўртлик, (36 мисра)дан иборат куйидаги ҳикматида Аллоҳнинг раҳматига эришиш, ундан ўзга паноҳ йўқлигини, ҳидоят йўлини маҳкам тутмоқлик кераклиги ҳақидаги ғоялари ифодаланган:

Ё Қодиро, даргоҳинга ёзган қулман  
Раҳм айлагил сендин ўзга паноҳим йўқ  
Зохир, ботин обод этмай бузган қулман  
Раҳм айлагил сендин ўзга паноҳим йўқ  
[2:135<sup>6</sup>]

Бу тўртликда бош қаҳрамон Аллоҳдан уни кули эканлигини, зоҳири ва ботинини обод қилиш йўлида ҳаракат қилмаганлиги сабабли Аллоҳдан паноҳ сурайди.

Аллоҳ таолога курук, кўр-кўрона мутеъликнинг ҳожати йўқ. Худо ғазабидан кўрқибгина амри маъруфни бажариш садоқат белгиси эмас, балки риёдир. Шунинг учун сўфийлар: Аллоҳни жону дилдан севиш, Унинг зоти ва сифатларини таниш ва билиш, кўнгилни нафсу ҳирс ғуборидан поклаб, ботиний мусаффо бир ҳолатда Илоҳ васлига етишиш ва бундан лаззатланиш ғоясини тарғиб қилади.

Ғафлат билан умр ўткардим тоат қилмай  
Ямонлардин йироқ қочиб узлат қилмай  
Нафс ўлтуруб риёзотга одат қилмай  
Раҳм айлагил сендин ўзга паноҳим йўқ  
[2:135<sup>6</sup>]

Мазкур тўртликда эса бош қаҳрамоннинг “ғафлат билан умр ўткардим тоат қилмай” сўзлари уни йўлдан адашганини, умрни нафс йўлида ғафлат ила ўтказганлиги, ёмонлардан узоқлашиб тоат-ибодат билан машғул бўлмаганлигини, нафсини ўлдириб қийинчиликларга одат қилмаганлигини очиб берса, “Раҳм айлагил сендин ўзга паноҳим йўқ” жумласи қаҳрамоннинг Аллоҳнинг раҳмига

етишиб, ҳидоят йўлига интилаётганидан далолат беради.

Тасаввуф аҳли учун асосий масала қалбни поклаш, уни худбинлик зангидан тозалаш бўлган. Улар бу ишни нафсни поклашдан бошлаганлар. Бунинг учун нафсни поклаш йўлларини ишлаб чиққанлар. Нафсни ва шу орқали кўнгилни поклаш эса риёзат чекиш орқалигина бўлади. Риёзат чекиш шунчаки, сабр-тоқатли бўлиш, қийинчиликларга бардош бериш эмас. Балки, Ҳақ йўлида онгли равишда инсон ўз олдига улуғ бир мақсадни белгилаб, унга етишиш учун ихтиёрий равишда барча қийинчиликларни зиммасига олиб, тўсиқларни енгиб ўтиб, олға мақсад сари интилиш риёзат бўлади. Тасаввуф тариқатлари риёзат чекиш орқали инсон нафси ва кўнгилни поклаш йўли бўлиб, унда инсон кўнгли аввал мумдек юмшаб шакл олади, сўнг чиниктирилади ва сайқал берилади. Охирида кўнгил пўлат кўзгу сингари сайқал топадики, ўзида илохий нурни акслантириб, ой сингари нурланиб, ўзи ҳам атрофга зиё тарата бошлайди. Ана шундай кўнгил эгаси комил инсондир. Бундай инсон ўзидан атрофга зиё таратади, ўзга инсонлар руҳини ҳам маърифатли этади, кўнгилларни нурлантиради.

Нафс худбинликни, ўзим бўлай фалсафасини туғдиради. Нафс домига тушгандан кейин, киши ҳеч нарсадан тап тортмайди, харом-харишдан ҳазар этмай, бошқалар ҳисобига бўлса ҳам яхши яшашни ўйлайди. Оқибатда у золим, бераҳм риёкор бўлиб қолади. Шунинг учун ҳам шоир нафсга кул бўлишдан паноҳ сўрайди.

Сўзлар бўлсам тилим кетар ялғон сўзга  
Дарвешман деб лоф урарман, феълим ўзга  
Қонлиғ ёшим тўкар бўлдум сариғ юзга  
Раҳм айлагил сендин ўзга паноҳим йўқ  
[2:136<sup>6</sup>]

Н.Комиловнинг ёзишича “Алишер Навоийнинг фикрича, шоирда дарвешлик хислати бўлмаса, унинг истеъдоди улуғ мақсадга хизмат қилолмайди, балки шу учундир у шоирлик ва дарвешлик истеъдодини мужассам этган кишиларнинг кўпини «Мажолис ун-

нафойис» асарида келтириб, махсус таъкидлаб ўтган. Унинг ёзишича, ҳар бир зиёли зоҳирий илмлар (дунёвий фанлар) билан бирга, ботиний илм (тасаввуф)ни ҳам эгаллаши лозим, бу унинг фазлу камолини оширади, хушахлоқ, ҳалим ва одамшаванда бўлишга кўмаклашади» [5:30]. Азимий ҳам дарвешман деб лоф урарман, лекин феълим ўзга деб, қаҳрамоннинг хатти-ҳаракати дарвешлик талабларига мос ҳаёт эмаслигига ишора беради.

Зокирлардек тонг откунча тизим чўкуб  
Ёдинг билан туrolмадим белим букуб  
Эмди келдим даргоҳинга бошим эгуб  
Раҳм айлагил сендин ўзга паноҳим йўк  
[2:136<sup>6</sup>]

Маълумки, Аллоҳнинг ожиз бандаси ўзини яратган Холиқини – Аллоҳни ёдга олса, эсласа, мана шуни “зикр қилди” дейилади. Аллоҳни ёдга олган, Аллоҳни эслаган банда эса “зокир” дейилади.

Шоир Аллоҳ йўлида ибодатга машғул бўлувчилар каби тиз чўкиб, Аллоҳ ёди ила бел букиб сажда қилмаганини, эндиликда ҳаётий ҳақиқатни англаб, умр моҳиятини тушуниб ета бошлаб тавба қилиб, тоат ибодатга бел боғлаб, Ундан паноҳ сурайди.

Носих сўзи қаттиғ кўнглум эритмади  
Айғон зикрим кўнгул кирин аритмади  
Ўтлугг оҳим жону таним ёритмади  
Раҳм айлагил сендин ўзга паноҳим йўк  
[2:136<sup>6</sup>]

Аллоҳнинг зикри ҳар бир банда учун буюк бахт, юксак мақомдир. Бандани энг улуғвор чўққиларга олиб чиқадиган сабабдир. Аллоҳ таоло Қуръони каримда “Фазкуруни азкуркум” (مُكْرِئًا وَيُنْزِلُكَ) яъни “Бас, Мени ёд этингиз, (Мен ҳам) сизларни ёд этурман” дейди (Бақара сураси, 152-оят) [6:23]. Зикр билан инсоннинг қалбидаги моғори кетади, покланади. Бу тўртликда шоир айтган зикрлари қалбини ёритмаганлигини, қалби покланмаганлигини изҳор қилиб, Ўзидан паноҳ тилайди.

Бу ҳол бирла ўтар бўлди етмиш ёшим  
Умр ўтарин билолмадим, ғофил бошим  
Раҳм этмасанг нечук бўлур менинг ишим  
Раҳм айлагил сендин ўзга паноҳим йўк  
[2:137<sup>а</sup>]

Юқоридаги тўртликларда Азимий бош қаҳрамоннинг ҳаёт мазмунини англаб етганлиги, 70 ёшга киргунга қадар Аллоҳ ёди билан яшамаганлигини, ҳаёти энди тавба тазаррулари бефойда эканлигини, насихат қилганларнинг сўзлари кўнглига таъсир қилмаганини тушунган ҳолда Аллоҳдан унга раҳм қилишини сўрайди.

Гарчи бўлдум ямонлардин ямон ман қул  
Ўз ямонлиғ ишларимдин бўлдум маълул  
Яхшиларни ҳурматидин қилғил қабул  
Раҳм айлагил сендин ўзга паноҳим йўк  
[2:137<sup>а</sup>]

Ушбу мисраларда ёмонларданда ёмонроқ бўлганини, ўз ёмонликларидан бемор боўлганлигини, ҳақиқатни кеч англаб етганлигини афсус надоматлар билан изҳор қилади ва Аллоҳ таъолонинг раҳмига эришиш, Аллоҳдан яхши инсонларнинг ҳаққидан уни авф этишини сўраб илтижо қилади.

Халқ ичидин олим, дарвеш бўлди отим  
Ялғон дарвеш элга етмас шарофатим  
Авф этмасанг элни ўртар шароратим  
Раҳм айлагил сендин ўзга паноҳим йўк  
[2:137<sup>6</sup>]

Маълумки, тасаввуфда тавба - қайтиш демак, яъни камолотга, олий ахлоқий сифатларга қайтиш. Тавбани боб ул-абвоб — эшикларнинг эшиги ҳам дейдилар, чунки тариқатга қадам қўйган одамнинг нияти ва моҳияти аввало шу тавбасида аёнлашади. Тавбанинг ҳақиқати шуки, солиқ Худога етиш иш йўлида ғов бўладиган жамики нарсалардан юз ўгиришга қасамёд этади, бутун интилиши, таважжуҳини Аллоҳга қаратади, аввалги ҳаёт тарзидан бутунлай воз кечади. Тавба куфрдан қайтиш, шариат ман этган наҳй ва ёмон ишлардан қайтиш, Ҳақнинг ғайри бўлган нарсалардан

кайтиш кабиларни ўз ичига олади. Тавбанинг моҳияти ўз нуқсонларини кўра билиш, ўзининг аҳволини англаш, қабих ишлар, қабих феъл ва қабих фикрдан қайтиш, дунёнинг маънисизлиги, арзимаслигини англаб, зулму адолатсизликдан қайтишни ҳам биллиради. Қўрқув тавбаси, яъни гуноҳга иқрор бўлиш — оддий одамларга хос. Сўфийлар тавбаси эса қалб истижоби, яъни истижобат — узилиш, ўзгариш тавбасидир.

Азимий ҳикматининг навбатдаги тўртлигида бош қаҳрамон Аллоҳдан ҳидоят сўраб зикр қилади.

Ожиз Азим сенинг гадонг, Аллоҳ-Аллоҳ  
Карам қилгил гадоинга жони огоҳ  
Сенсан Раҳмон, сенсан Раҳим, сенсан Илоҳ  
Раҳм айлагил сендин ўзга паноҳим йўқ  
[2:138a]

### ХУЛОСА

Азимхўжа эшон XVIII асрнинг иккинчи ярмида Қўқон адабий муҳитида шаклланган истеъдодли мутасаввиф шоирлардан биридир. Азимий ижодига хос хусусиятлардан бири, бу Яссавий ҳикматлари каби диний-тасаввуфий ғояларнинг панд-насиҳат тарзида ифодаланганлигидир.

Азимий ҳикматларида шариат талабларига риоя қиладиган инсонга хос бўлган барча ижобий хислатлар улуғланади, салбий иллатлар қораланади, меҳр-мурувват, ишқ, садоқат, адолат тараннум этилади. Шоир ҳикматларида поклик, ҳалоллик, тўғрилиқ, йўқсил, ғарибларга ғамхўр бўлиш лозимлигини таъкидлайди.

### МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Жўрабоев О. Азим хожа эшон ва унинг девони қўлёзма нусхалари борасида. Адабиёт кўзгуси. Илмий нашр №11. – Тошкент, 2009. – 137 б.
2. ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи фондида сақланаётган №189 рақамли қўлёзма.
3. Азим Хожа эшон. Ҳикмат / Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи Рафъиддинов Сайфуддин Сайфулло ўғли. Масъул муҳаррир Ҳожи Муҳаммад Шариф Жуман. – Тошкент: Ўзбекистон, 1993. – 88 б.

4. Erarslan K. Azim hacc`nin hikmetleri. Belleten. Cild 19, – Türkiye: 1971. – S. 193-230.
5. Комилов Н. Хизр чашмаси. – Тошкент: Маънавият, 2005. – 320 б.
6. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири / Таржима ва тафсир муаллифи Шайх Абдулазиз Мансур. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2018. – 624 б.
7. Қайюмов П. Хўқанд тарихи ва унинг адабиёти. – Тошкент: Тамаддун, 2011. – 380 б.
8. Қайюмов А. Қўқон адабий муҳити VII жилд. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2010. – 278 б.
9. Азимхожа Эшон. Мурод ул-ошиқин / Нашрга тайёрловчи: Б.Хасанов, – Тошкент: TEZKOR-PRESS PRINT, 2009. – 119 б.
10. Dr. Nadirhan Hasan. Çağatay şairi Azim hacc ve hikmet'leri. Türk dünyası araştırmaları. – Türkiye: Sayı: 191, Nisan 2011.